

## **ЕР КАДАСТРИНИНГ ҲУДУДЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ТАЪСИРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШНИНГ ИЛМИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

*m.ф.ф.д., (PhD) Юнусов Бегенч Мавланбердиевич*

*Сув хўжалиги вазирлиги*

*[0009-0009-0499-2258]*

**Аннотация** Ер ҳисобини тўғри замонавий усулларда юритиш ва, ер майдонларини тўлик хатловдан ўтказиш ҳамда ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, миллий ҳисботнинг ҳудудларда иқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан мақолада фонд тоифаларининг шаклланиш асослари унинг ҳудудларда иқтисодий ривожлантиришга таъсири, ер кадастри тизимининг элементларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш юзасидан маълумотлар берилган.

**Калим сўзлар:** Кадастр, давлат кадастрлари, ер фонд тоифалари, ер ҳисоби, кадастри тизими, ижтимоий-иктисодий барқарорлик, ҳудуд, самарадорлик.

**Annotation** Keeping the land account in the correct modern methods and carrying out a complete enumeration of the land areas and rational use of the land resources is of great importance in ensuring economic stability in the regions of the national report. From this point of view, the article provides information on the basis of formation of fund categories, its impact on economic development in the regions, development of elements of the land cadastre system and their use.

**Key words:** Cadastre, state cadastres, categories of land fund, land registration, cadastral system, socio-economic stability, territory, efficiency.

**Кириш.** Бугунги кунда ҳудудларнинг ижтимоий-иктисодий барқарорлигини таъминлаш, мавжуд бозор муносабатларини янада чуқурлаштириш, иқтисодиётни

модернизация қилиш тизимида мамлакатни 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги мамлакатнинг тараққиёт стратегияси муҳим аҳамият касб этади[4]. Бундан кўзланган асосий мақсад олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариш, барча йўналишларни либераллаштириш ва модернизация қилиш бўйича энг устувор мақсадларни амалга оширишдан иборат. Ҳозирда, ер кадастри тизимидан иқтисодиёт ва тараққиёт соҳасида жамиятнинг барча фаолият тармоқларида фойдаланилади. У ижтимоий-иктисодий, ишлаб чиқариш жарёнларида қўлланиладиган ер фонди тоифаларини ташкил этади. Ер ресурсларининг миқдорини ҳудудий чегаралангандиги, турли тоифаларга тақсимланиши ҳамда турларга ажратилганлиги табиий, бироқ улардан оқилона фойдаланиш зарурлигини тақозо этади. Яъни, ер кадастрининг ҳудудларни комплекс ривожлантиришга таъсирини кенгайтириш ва ундан унумли фойдаланиш муаммоси ҳозирги вақтгача ҳамда иқтисодиёт ҳамда жамият тараққиёти учун долзарб бўлиб келмоқда. Ҳозирги кунда ер ресурсларини бошқариш, ер хисобини тўғри ва тўлиқ юритиш ҳамда кадастр хизматларининг сифатини яхшилаш асосида ҳудудларни ривожланиш масалалари, уларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганишнинг қанчалик зарурлигини кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 1 майда қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияси 68-моддасида “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир, ер қонунда назарда тутилган ҳамда ундан оқилона фойдаланишни ва уни умуммиллий бойлик сифатида муҳофаза қилишни таъминловчи шартлар асосида ва тартибда хусусий мулк бўлиши мумкин” дейилган бўлиб, аҳамиятлиси шундаки, ерга тааллуқли ушбу модданинг “Жамият ва шахс” номли учинчи бўлими, “Жамиятнинг иқтисодий негизлари” номли XII бобида келтирилгани ҳам бежизга эмас. Мустақилликка эришилган дастлабги даврларда юртимиздаги иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш, фуқароларнинг ҳаётга қарашини, келажакга ишончини

мустаҳкамлаш мақсадида уларнинг иқтисодий, моддий ахволини яхшилаш озиқ-овқат хафсизлигини таъминлаш масаласида энг аввало аҳоли учун томорқа ерлари ажратиб берилган. Аҳолига томорқа ва шахсий ер участкаларини ажратиш масаласи, шунингдек қишлоқда яшовчи оиласарни ер билан таъминлаш орқали ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотларини билан тўлдириш учун барча шартшароитларнинг яратилиши ҳудудларда иқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим асосий восита бўлди. Шунингдек қишлоқларда аҳолига ўртача 25 сотихдан ер ажратиб берилган ва томорқа майдонлари қарийб 4,5 баробарга кўпайтирилган. Натижада, 1989-1990 йилларда 2,5 миллион оиласага 700 минг гектардан ортиқ ер ажратиб берилган [5]. Кейинги йилларда ҳам ҳудудларда туманни ривожлантириш дастурлари ерларнинг миқдоридан келиб чиқиб ижтимоий соҳага кўпроқ эътибор қаратилган, масалан, пахта майдонлари қисқартирилган. Сугориладиган ерларнинг пахтадан бўшатиб олиш, колхозлар ва совхозлар ҳудудларида томорқа участкаларини кенгайтириш ва якка тартибда уй-жой қуриш учун ер ажратиб берилган ва ҳудудларда катта ижтимоий ва иқтисодий масалаларни қисман бўлса ҳам ҳал этиш имконини берган. Айниқса ҳозирги кунга келиб кадастри тизимининг рақамлашганлиги натижасида ҳудудларда ер маълумотларидан фойдаланиш кадастри тизими индикаторлари асосида туманни ривожлантириш дастурларни ишлаб чиқиша шаффофликга эришиш имкони бермоқда. Ер кадастри ердан фойдаланишни ва фойдаланиладиган ерларни ҳисобга олади, ерларни иқтисодий жиҳатдан баҳолайди ва уларнинг миқдор ҳамда сифат, ҳуқуқий ва сиёсий кўрсаткичларини ифодалайди.


**Ер кадастри** ер тузиш, қишлоқ хўжалигини режалаштириш, мелиорация ва солиқларни ҳисоблашнинг илмий негизидир. Ер кадастри ерларни ҳисобга олиш, ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар кафолатланишини таъминлаш, ердан фойдаланишни ҳар томонлама ўрганиш ва баҳолаш мақсадида юритилади. Ривожланган давлатларда ер кадастри маълумотларидан ер эгаларига солик солиши, ердан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган тижорат ишларини тартибга солиши, ер

бўйича келишув ва низоларни ҳал этиш, ерни гаровга қўйиш ва шу кабиларни ҳал қилишда фойдаланилади. Юртимизда ер майдонларидан узоқ йиллар давомида ўзбошимчалик билан фойдаланилиб, аксариятининг эгаси ҳам номаълум бўлган. Бу мавжуд ерлардан фойдаланишда қўплаб муаммоларни юзага келтириб чиқармоқда. Худудлардаги иқтисодий ўсиш, озиқ-овқат хавфсизлиги, иш ўринлари ва инвестиция оқими, аввало, ерга боғлиқдир[6].

**Комплекс** –бир бутунни ташкил этувчи кўрсатгичлар, ҳодисалар, белги ва хусусиятлар мажмuinинг йифиндиси ҳисобланади. Бизнингча ҳудудларни комплекс ва мутаносиб тарзда ривожлантиришни таъминлаш, туманда мавжуд ер ресурслари ҳисоби самарадорлигига эришиш орқали бир бутунликни ташкил этувчи ободонлаштириш, йўл, сув, қўшимча ер участкаларини жалб қилиш, ишлаб чиқариш қучларини оптимал жойлаштириш ҳамда аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини изчил ошириб бориш, ҳудудларнинг бюджет тушумини таъминлашдан иборатдир.

Индикатор — лотинчада (indico) кўрсатаман, аниқлайман бирор жараённинг боришини ёки кузатилаётган объектнинг ҳолатини инсон идрок этадиган қулай шаклда акс эттирувчи деган маъноларни англатади , Яъни ер кадастри тизимида бирор жараёнга таъсир кўрсатувчи омилларнинг баҳоланиши лозим бўлган асосий кўрсаткичлардир.

**Ҳудудларни комплекс ривожлантириш** – ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги муаммоларнинг ҳал этилиши, аҳоли билан очиқ, тўғридан-тўғри мулоқотни кучайтириш, ҳудудларни комплекс ривожлантиришда асосий амалга



**1-расм.** Ер кадастри ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш индикаторлари нинг ўзаро боғлиқтиги цикли Ҳудудларни ривожлантиришга асос бўладиган хукукий, ташкилий, рекреацион ҳамда экологик, ижтимоий, иқтисодий, индикаторларини ўз ичига олади.

Бу эса ўз навбатида иқтисодий ўсишнинг барқарор ривожланишида келтирилганидек табиий ресурс, иқтисодий ресурс–капитал, ернинг бозор қиймати, инвестиция ресурслари ҳам ахборотлар билан тўлиқ таъминланиши зарур. Шу билан бирга иқтисодий ўсишга ижтимоий ва экологик масалаларнинг ҳам таъсири мавжуддир. Ҳудудларни ривожлантиришда ер кадастрининг вазифаларидан бири сифатида аҳолини иш билан таъминлаш, ҳудудларда камбағалликни қисқартириш юзасидан боғдорчилик, узумчилик, полиз ва сабзавотчилик, дуккакли ва мойли екинларни етиштириш соҳасида экспортбоп қишлоқ хўжалиги экинлари экишни кўпайтириш, шунингдек аҳолининг кенг қатламларини жалб қилиш орқали ҳудудларда камбағалликни қисқартиришга еришишда ер ресурслари билан таъминлашдир. Шунингдек, ҳудудларда

“Ташаббусли бюджет” ва “Менинг йўлим” лойиҳалари доирасида ички йўлларнинг ва унга туташ ҳудудларнинг аниқ ҳисобини олиш орқали бюджет маблағларини тўғри йўналтириш имкониятини яратиш лозим. Бўш турган ерларни тўлик ўрганиб чиқиб, уларни ҳам давлат захирасига қайтариш чораларини кўриш, шунингдек, барча саноат ерларини тўлик хатловдан ўтказиш ишларини бошлаш зарур. Чунки шуни таъкидлаш жоизки, охирги беш йилда қишлоқ хўжалиги ерларидан 42,5 минг гектарга қисқартириб, аҳоли пунктлари ва саноат ерлари тоифасига ўтказилган. Лекин 100 та туманда тоифаси ўзгарган 17,5 минг гектар ерлар ердан фойдаланувчиларга берилмасдан келинган. Саноат зоналарида ҳам бўш ерлар мавжуд бўлиб, оқибатда миллиардлаб сўм пул миқдорлари бюджет тушуми амалга оширилмаганлиги ер кадастрида белгиланган вазифалар асосида ўрганиш ишлари олиб борилмаганлигидан далолат беради. Шарқий Евropa давлатларининг ҳар бирида ер кадастри тизимини ислоҳ қилиш уларнинг ер ва аграр тизимдаги хусусиятлари билан белгиланувчи ўзига хос жиҳатларга ҳам эга бўлсада, ер ва аграр муносабатларни ислоҳ қилишнинг кўрсатилган йўналишлари ҳар бир мамлакат тажрибасида қўлланилмоқда. Ер кадастри муносабатларини Хитой ва бошқа Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида ислоҳ қилиш ҳам ўзига хос жиҳатлари билан ажralиб турди. Жумладан, Хитойда халқ коммуналарини ёппасига тенглаштиришга асосланган тизим ўртасига оилавий пудрат тизими келди. Хитойдаги оилавий пудрат тизими ерни деҳқон хўжаликларига бўлиб беришга қаратилган. Қишлоқ жойларидаги кўплаб меҳнаткашларни иш жойи билан таъминлаган ва саноат маҳсулотларини сезиларли даражада ўсишига хизмат қилган. Ер муносабатларни ислоҳ қилишнинг ушбу модели алоҳида қизиқиш ўйғотмоқда, чунки бу йўналиш қишлоқ хўжалигининг тез суратда ўсишига ва саноат маҳсулотларининг самараси сезиларли даражада ортган. Мамлакатимиздаги соҳа олимларидан А.Чертовицкий ва А.Базаровлар ер кадастри тизимига янада аниқроқ таъриф беришган. Уларнинг асарларида келтирилишича, “Ер кадастри тизими бу – жамият ва табиат ривожланиши қонунларидан онгли равища

фойдаланиш асосида ривожланадиган жамият томонидан ер ресурсларидан тўхтовсиз, қўпмақсадли фойдаланиш услублари ва ушбу жараённи бошқаришнинг бозор усуллари йифиндисидир” дейилган. Бу берилган таърифда, бизнингча, ер кадастри тизими тушунчасида айрим қарама-қаршиликлар мавжуд бўлиб фақат бозор усулларини назарда тутмоқдалар. Лекин ер кадастри тизими маълум муносабатлар таъсирида бўлади. Шу сабабли ер кадастрининг тизимлилик нуқтаи назардан, мазмун-моҳияти худудлардаги ижтимоий-иктисодий ҳамда бошқа муносабатлар ёрдамида намоён бўлади. Ер кадастри давлат, жамият ва бозор бошқарув тармоқларида иктисодий муносабатларга тааъллуқли бўлиб, асосан мамлакат иктисодий барқарорлигининг бўғини ҳисобланади.

А.Р.Бобожонов, Д.М.Камалова, С.Б.Рўзибоевлар ўзининг асарларида ерларни ҳисобга олиш ва уларга баҳо бериш, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг ҳамда мулқдорларнинг ер участкалариiga бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш ер кадастрининг биринчи таркибий қисми бўлиб ҳисобланади, дейилган . Унга кўра, ер кадастри таркибига:

- 1) ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш;
- 2) ер майдонларини миқдор ҳамда сифат жиҳатдан ҳисоб қилиш;
- 3) тупроқ бонитировкаси ва ерларни иктисодий баҳолаш келади.

Лекин, Бизнингча, ердан фойдаланувчиларни ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказишдан олдин ерларнинг ҳисобини олиш, ерларнинг тури ва уларнинг тоифасини белгилаб олиш зарур. Агарда биринчи ерларни рўйхатга олиб кейин ҳисоб қилинса, ер фонди тоифалари улар турларининг асоссиз ўзгаришига олиб келиши мумкин. Шу сабабли қўйидаги тартибда амалга ошириш ижобий натижа беради:

- 1) ер майдонларини миқдор ҳамда сифат жиҳатдан ҳисоб қилиш;
- 2) ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш;
- 3) тупроқ бонитировкаси ва ерларни иктисодий баҳолаш.

Ерларни миқдор ва сифат жиҳатдан ҳисобини олиш – ер кадастрининг биринчи таркибий қисми бўлиб, у ер майдонлари миқдорининг ер фонди тоифасига тегишилилик статусини таъминлайдиган тадбирлар тизимини ўз ичига олади.

**Ер майдонларининг ҳисоби** – ер майдонларининг миқдори ва сифати бўйича тўлиқ маълумотларини олиш, қайта ишлаш, маълум бир тизимга ва тартибга келтириш ҳамда сақлаш бўйича мажмуали тадбир ҳисобланади.

Ерларни миқдор жиҳатидан ҳисоб-китоб қилиш уларни маълум маъмурий худудий бирликларга, ер тоифаларига, ердан фойдаланувчиларга ва ер турлари бўйича тақсимланиши ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. Ерларни сифат жиҳатидан ҳисоб қилишнинг вазифаси – тупроқ қатлами ҳамда ердан фойдаланувчилар нуқтаи назаридан ер турларини табиий, мелиоратив, экалогик ва хўжалик ҳолатига ҳар томонлама тавсиф беришдан иборатdir.

**Давлат рўйхатидан ўтказиш** – тушунчаси юридик ёки жисмоний шахс мақомини олиш тартиб-таомилини англатади яъни мавҳумдан борлиқга ўтиш. Бу тартиб-таомил давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларнинг қонун ҳужжатларига мослиги, рўйхатга олиш рақами берилганлиги ҳақидаги маълумотларни текшириш ҳамда юридик шахсларнинг ягона давлат регистрига киритилган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома берилишини ўз ичига олади[1].

**Ерларни иқтисодий баҳолаш** – бу маҳсус иқтисодий кўрсаткичлар асосида ер майдонларини иқтисодий жиҳатдан самарадорлик хусусиятини, уларнинг иқтисодий унумдорлигини қиймат жиҳатдан баҳолашдир[2]. Бу икки йўналишда олиб борилади: умумий баҳолаш (ер турлари бўйича) ва хусусий баҳолаш (айrim экинларни етиштириш самарадорлиги бўйича).

Бизнинг фикримизча ерларни баҳолаш иқтисодий ресурс сифатида куйидагиларга бўлинади:

1. маҳсулот ишлаб чиқариш учун ер миқдори;
2. бир-бирлик даромад олиш учун ер миқдори;

3. махсулотнинг ер сигими ва ер қайтими;
4. ернинг асосий капиталдаги улуши.

Бунда ҳудудларда бозор иқтисодиётининг талабидан аҳоли сонининг ўсиш суръати ҳисобга олган ҳолда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида маҳсулотлар ишлаб чиқариш талаб қиласди. Бунда аввало ер салоҳиятини аниқлаб олиш ундан кейин ердан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан келиб чиқган ҳолда асосан ер фонди миқдорларини ҳисобга олиш зарур:

Ер салоҳиятини аниқлаш коэффициенти (фоиз).

$$EC = \frac{\Phi ME}{E\Phi} \times 100\%,$$

Бунда: ЕС – Ер салоҳиятини аниқлаш коэффициенти, (фоизи); ЕΦ – ер фонди майдони, (га); ΦМЕ – фойдаланилиши мумкин бўлган ер майдони, (га).

Умумий ер фондидан фойдаланиш коэффициенти (фоиз).


**ЕФК = ΦЕ:ΦМЕ; ёки (ΦЕ:ΦМЕ) x100:**

Бунда: ЕФК – умумий ер фондидан фойдаланиш коэффициенти, (фоизи); ΦЕ – қишлоқ хўжалигида фойдаланилган ер майдони, (га); ΦМЕ – фойдаланилиши мумкин бўлган ер майдони, (га)[7].

Бу кўрсаткич коэффициента ёки фоизда аникланиши мумкин. Уни аниқлаш натижасида ердан фойдаланишнинг тўликллик даражаси. аникланади. Унинг ҳакиқий даражаси, яъни коэффициенти 1 дан ёки 100 фоиздан ортик бўлиши мумкин эмас. Бу кўрсаткични аниқлаш натижасида тармокда (хўжаликда) қанча ердан фойдаланилган ва канчасидан фойдаланилмаганлиги билинади. Шундан сўнг, бундай ҳолатнинг сабаблари аникланиб, уларни бартараф этиш чоратадбирлари ишлаб чикилади.

Ер кадастри тизими ва уни гавдалантирувчи муносабатлар яхлитлик, унсур, тизимости, алоқалар, муносабатлар, тузилма ва бошқа тушунчалар билан узвий

боғлиқдир. Ер кадастри маълумотларидан ер муносабатларини тартибга солища, ердан фойдаланиш билан боғлиқ ижтимоий, иқтисодий ва экологик вазифаларни ҳал этишда фойдаланилиши лозим. Бундан ташқари тизим сифатида ажратиш, ерларни турларга, фондларга бўлиш, жойлаштириш, тақсимлаш масалалари ва уларни ташкил қилувчи бошқа муносабатлар мавжудлиги, ер участкаларини рўйхатга олиш каби мустаҳкам ягоналик ҳам характерлидир. Шу маънода мураккаб тизимларни, шу жумладан ер ресурсларини бошқаришни ҳам тадқиқ этишда тизимли таҳлил ва ёндашувни қўллаш мақсадга мувофиқ. Шу нуқтаи назардан 2-расмда ер кадастри тизими ва унинг элементлари ифодаланган бўлиб, ушбу элементлар бир вақтнинг ўзида ҳам алоҳида, ҳам ўзаро узвий боғлиқдир. Унга кўра, ер кадастри тизимининг иқтисодий циклида биринчи навбатда ер кадастрининг асосий тамойиллари, ер миллий ҳисоботи, шу жумладан, ерларнинг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши юзасидан ер кадастри индикаторларини кўрсатиб берилган. Айнан шу босқичдаги умумий маълумотлар йигилгандан сўнгра *ер сиёсати ва уни амалга ошириши* чора-тадбирлари амалга оширилади. Бунда *меъёрий-ҳуқуқий, ахборот-таҳлилий, ташкилий-ҳудудий, техно-экологик*, каби ер кадастри тизимининг индикаторларидан *ер муносабатларини тартибга солища*, ердан фойдаланишгача бўлган жараёнлар билан боғлиқ вазифаларни ҳал этиш каби элементлар тизимни ташкил этувчилар сифатида ифодаланган.



**2–расм.** Ер кадастри тизимининг институционал асослари

Ер кадастри тизимида ер муносабатларини тартибга солиш тадбирларининг ҳудудларни ривожлантиришда миқдор самарадорлиги асосида иқтисодий салоҳиятини белгилайди, бу эса ерларнинг *табиий ресурс*, *иктисодий ресурс-капитал*, *ерларнинг бозор қиймати*, *инвестиция ресурслари*га боғлиқ ҳисобланади. Мазкур 4 та ресурс далват рўйхатидан ўтган юридик фаол бўлган ва баҳолаш имконияти яратилган ерлар ҳисобланади. Бу ҳам ерларнинг миқдор ҳисобини чиқариш билан чекланади улардан фойдаланиш эса иккиламчи масала бўлиб унинг йўналишлари алоҳида самарадорлиги ҳисоби чиқарилади.

Ер кадастри ва унинг маълумотларидан фойдаланган холда иқтисодий самарадорликка эришиш бизнингча, бу жамият ва давлат ривожланишида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида, ер кадастри тизимининг айланмаси, уни кўп мақсадларда тасарруф этиш, эгалик қилиш ҳамда фойдаланиш, бу муносабатларни тартибга солища содир бўладиган иқтисодий усишнинг тизимиdir. Шуни таъкидлаш жойизкий, олиб борган ишлар сабабли баҳолаш, назарий томондан ер кадастрини кўпфункционал обьект ҳисобида ифодалош ва ҳудудларни комплекс ривожлантиришда истиқболли режаларни аниқ белгилаб

олиш зарур. Ерларни солиққа тортиш, хусусийлаштириш, кредит учун гаров таъминоти ва бошқа жараёнларни тартибга солиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ер кадастри тизими асосан *ер кадастрининг асосий тамойиллари, ер кадастрининг таркибий қисмлари, миллий ҳисобот, ер кадастрининг иқтисодий асослари* ҳамда *ер сиёсати ва уни амалга ошириши* каби элементлардан ташкил топган. Унга кўра ер кадастрининг асосий тамойиллари таркибий қисмини шакллантириш, кадастри тизимининг миқдор самарадорлиги ва аниқлигини ифодалайди. Миллий ҳисобот кадастри тизимининг энг асосий элементларидан бири ҳисобланади, ҳисоботнинг шаклланиши, ахборотларнинг йиғилиши ва унинг таъсир доирасининг катталиги нуқтаи назаридан *ерларнинг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши йўналишга бўлинади*. Ерларнинг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши асосан ерлар фонди тоифалари ва турлариаро, тармоқлараро, худудлараро маълумотларнинг жамланмаси бўлиб миллий ҳисоботнинг тўғри шаклланишида, ундан тўғри фойдаланган худудларда иқтисодий ўсиш, озиқ-овқат таъминотининг барқарорлиги чорвачилик, асаларичилик ва паррандачилик йўналишларнинг ривожланишига асосий индикаторлар бўлиб хизмат қиласи. Ер кадастри тизимининг элементларидан бири бўлган ер кадастрининг таркибий қисмлари асосан ер участкаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, уларни ижарага ёки мулк этиб олиш хуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек сервитутларни ва ушбу хуқуқларга доир бошқа чеклашларни ҳамда ер миқдорини, ер сифатини ҳисобга олиш каби қисмлардан иборат. Бу кадастри тизимини юритишида аҳолига хизмат кўрсатиш самарасини ошириш, ижтимоий соҳада муҳим ўрин эгаллайди. Ҳар бир давлатда унинг ташкилот ва идоралари, вазирликларининг ижтимоий-иқтисодий, хуқуқий-сиёсий ўрни мавжуд, шу нуқтаи назардан кадастри тизимининг ҳам айнан шундай иқтисодий, ижтимоий ва илмий институтционал соҳаларда ўз ўрнига эгадир. Тизимнинг такомиллашиши буни янада мустахкамлайди. Ер сиёсати ва уни амалга ошириш элементларининг барқарорлиги кадастри тизимининг мавқеига таъсири

бўлиб, унинг таркибий қисмининг шаклланиши муҳим аҳамиятга эга. Унга кўра, асосан 4 та меъёрий-хуқуқий, ахборот-таҳлилий, ташкилий-ҳудудий, техно-экологик қисмлардан иборат. Буларнинг ер муносабатларини тартибга солишда ўрни катта. Чунки, ер муносабатларининг самарадорлиги 2 – расмда келтирилгани каби иқтисодий, ижтимоий, экологик томондан бир-бири билан боғлиқдир.

Кадастр тизимида ер муносабатларини тартибга солиш асосий (бирламчи) ва жорий, бирламчи рўйхатдан ўтказиша олинган маълумотлар ва давлат ер кадастрининг маълумотларини тузиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва ўзгартириш жараёнида олинган маълумотлар, ер тузиш ишлари, ишлаб чиқариш қучларини жойлаштириш, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш назорати, ернинг такрор ишлаб чиқариш цикли, фазовий-хуқуқий асос (ДҚЯТ), ер мониторинги, давлат ва жамоат экспертизаси, ерларнинг экологик ҳолатини яхшилаш, ерларни мелиорация қилиш, ерлар эрозиясини олдини олиш ва рекультивация қилиш ҳамда ерлар унумдорлигини такрор ишлаб чиқариш ва бошқалар каби зарурый индикаторлардан иборатдир. Юқоридаги таҳлиллардан шуни таъкидлаш керакки, ер кадастри иқтисодий йўналишдаги аломатларини кўпроқ ўзида мужассам қилади ва унинг иқтисодий унумлилиги, унинг обьект сифатидаги хусусиятларини ўрганиш иқтисодиёт йўналишидаги фанга тааллуклидир. Унинг техника қисми асосан кадастр тизимининг бошланғич тадбирларнигина ўзида мужассам қилади.

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 01 май янги таҳрирдаги Конституцияси 68-моддаси.
2. Ўзбекистон Республикаси 1998 йил 28 августдаги “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 28 августдаги “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги 666-I-сон Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ти Фармони.
5. Ислом Каримов Ўзбекистон Мустақилликка эришиш остонасида— Тошкент – “Ўзбекистон” - 2013
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 2023 йил 21 ноябрь куни ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ер ҳисобини юритиш ҳамда кадастр хизматларининг сифатини яхшилаш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши – 41 баёни
7. Ҳ.П.Абулқосимов, А.О.Халимбетов Қишлоқ хўжалигига ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари. Т: 2008 Б.17-18